

Xabar

24
(925)-son

11-iyun

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan


АХБОРОТ

ДУНЁНИ БОШҚАРАДИ

Ўтган асрда Уинстон Черчилл томонидан янграган “Кимки ахборотга эга бўлса, дунёни бошқаради”, деган иборатга бугунги кунга келиб бироз қўшимча киритилди: “Кимки ахборотни тез тайёрласа ва фойдаланса, уша дунёни бошқаради”. Бу шунчаки ибора эмас, XXI аср аллақачон ахборотлаштириш асри дея эътироф этилган. Ахборотдан нафақат давлат ва давлатлараро миқёсда, балки корхона ва ташкилотларнинг муваффақиятли имижини яратишда ҳам кенг фойдаланиляпти. Ахборотсиз бизнесни йўлга қўйиш, муваффақиятли иш юритишнинг имкони йўқ. Бу — давр талаби.

Биламизки, аксарият компанияларда мазкур йўналишда иш олиб борувчи махсус бўлимлар мавжуд. Улар “жамоатчилик билан алоқалар” деб аталади. Қисқача қилиб PR (Public Relations) деб ном олган жамоатчилик билан алоқаларнинг асосий мақсади — ташкилот ва жамоатчилик ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйишдан иборат. Бу бевосита корхона ютуқларига йўл очиб берувчи воситадир. PR — жамоатчилик онгида махсулот, компания, воқеалар ҳақида илиқ фикрларни шакллантиришга, маълумот етказиш, ишонч уйғотишга хизмат қилади. PR воситасида жамоатчиликда шундай фикр уйғонади: корхона даромад олиш учун эмас, мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун ҳаракат қилади. Демакки, хизмат кўрсатишда ёки махсулотлар сотишда аввало мижозлар эътиборини қозонмоқ керак. Шунда даромад ўз-ўзидан келаверади.

5-бет



“EAST TELECOM” СТИПЕНДИЯСИ

2009 йилда Тошкент ахборот технологиялари университети ва “East Telecom” МЧЖ ўртасида ТАТУнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқич 6 нафар иқтидорли талабасига ўқув йилида бир марталик стипендия (рағбатлантириш мукофоти) бериш бўйича шартнома имзоланганди.



“East Telecom” МЧЖ стипендияси ТАТУнинг нафақат таълим бўйича аъло натижаларга эга, балки илмий-амалий тадқиқот ишларида муваффақиятга эришган талабаларига берилади.

Ушбу йилда “East Telecom”нинг рағбатлантирувчи қўшимча стипендияси билан университетнинг 6 нафар иқтидорли талабаси тақдирланди.

Тақдирлаш маросими 2010 йил 3 июнда компания раҳбарияти ва университет жамоаси иштирокида ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

Япониянинг энг йирик мобил алоқа оператори — NTT DoCoMo бутун Токиони қамраб олувчи тўртинчи авлод мобил алоқа тармоғи (LTE) устида синов ишларини бошлади. Муваффақиятга эришилган тақдирда мамлакат пойтахти сайёрамиздаги мобил телефон воситасида маълумотлар олиш ва узатиш энг тез жойлардан бирига айланади.

Режага кўра, янги тармоқ 2010 йилнинг декабр ойида ишга тушиши ва маълумотларни 25 Мбит/сония тезликда узатиш ва 75 Мбит/сония тезликда қабул қилишни таъминлаши керак.

Бу ҳозиргисидан қарийб 10 барабар юқоридир.

Ушбу сонда:

- Болаликнинг олтин лаҳзалари 2
- Матбуот дўконларида интернет карталари 3
- Международный союз электросвязи проведет семинар в Узбекистане 6
- Ҳамёнбop 3D-камера 11
- Ўзбекистон — Корея: Ҳамкорлик ришталари 12

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

Uz Net — сифат рамзидир
Internet Service Provider

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 июн куни Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг Қирғизистон Республикаси билан муносабатларни ривожлантириш бўйича махсус вакили Владимир Рушайлони қабул қилди.

Учрашувда минтақадаги вазият ривожига, ШХТ ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш доирасидаги ҳамкорликка доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао 9-11 июн кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди, шунингдек, ШХТ саммитида иштирок этди. Ташриф давомида Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинди.

Матбуотда “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни эълон қилинди.

Пойтахтимизда 8 июн куни Ўзбекистон — Жанубий Корея ишбилармонлар кенгазининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Зиядулла Пўлатходжаев Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевга ишонч ёрлигини топширди. Ишонч ёрлигини топшириш маросими чоғида Россия Федерацияси раҳбари Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги ривожининг бугунги ҳолати ва истиқболлини ижобий баҳолади.

Хоразм вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан “2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг самарадорлиги: мониторинг натижалари ва муаммоларни ҳал этиш йўллари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Навоий шаҳрида шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда даволаш диагностикаси масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан соҳа вакиллари ҳамда бир қатор Хамдустлик давлатларидан тадқиқотчи олимлар иштирок этишди.

Фарғона шаҳрида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг минтақавий кўргазма-савдоси ташкил этилди. Кўргазмада Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан фермер хўжаликлари ва кичик корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар иштирок этди.

Тошкент давлат циркида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Виктор Гюго номидаги Франция маданият маркази ҳамкорлигида болалар учун цирк усталари иштирокида шоу-дастур намойиш этилди.

Болаликнинг олтин лаҳзалари

Шу кунларда серкуёш юртимизнинг қай бир гўшасида бўлсангиз, соя-салқин оромгоҳларда ёзги таътилни бошлаб юборган шўх-хандон болажонларни учратасиз.

Бундан уч йил олдин реконструкция қилинган “Ёш алоқачи” болалар оромгоҳи “Бухоро Телеком” филиали саёй-ҳаракати билан бу йилги мавсумга ўз вақтида шай қилиб қўйилди. Таълим-тарбия соҳасида фаолият олиб бораётган Ҳилола Шукурлаева, Бехзод Саъдуллаев, Отабек Сафаров, Саодат Бақоева сингари тарбиячилар, Нозима Нарзуллаева, Зарина Обидова, Нодири Хушвақтова каби етакчилар тегишли тайёргарликдан сўнг ушбу оромгоҳда ишлаш истагини билдирдилар. Ҳатто Ўзбекистон миллий университетининг жисмоний тарбия факултети 4-босқич талабаси Аъзам Бобожонов ҳам ўз меҳнат фаолиятини айнан Бухородаги “Ёш алоқачи” оромгоҳида — болалар даврасида ўтказишни лозим деб билди. Зотан, болаларимизнинг бегубор кулгуси, қувноқ давралари бизни ҳамisha озуғликка, кундалик ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини барчага бирдай яхшилик улашишдек эзгу амаллар билан тўлдиришга ундаган.

Оромгоҳ ҳудудидаги сув ҳавзаси, спорт майдончалари, ётоқхоналар, “Маънавият ва маърифат” зали, ошхона, бир қатор замонавий компютерлар болалар ихтиёрида. “Кичкинтой”, “Камалак”, “Камолот” ва “Орзу” деб ном олган гуруҳлардаги ўғил-қизлар кеча бу ерда ўтказилган оромгоҳнинг биринчи мавсуми очилиш маросими тантаналарида иштирок этиб, ўзларининг бир-биридан қувноқ ва эсда қоларли чиқишлари билан ота-оналар ва тарбиячиларни хушнуд этдилар.



Маросимда сўзга чиққан “Бухоро Телеком” филиали директорининг ўринбосари Одил Бобомуродов, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаяюшмаси қўмитаси раиси Олия Шукурлаева ва бошқалар ёш дам олувчиларга ўзларининг самимий тилакларини билдирдилар.

— Бу йилги соғломлаштириш мавсуми давомида болалар учун бир қатор қизиқарли тадбирларни ўтказишни режалаштирганмиз, — дейди оромгоҳ бош етакчиси Назира Нарзуллаева. — Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса, Арк музей-қўриқхонаси, Минораи Калон, Сомонийлар мақбараси ва бошқа тарихий ёдгорликларга ташкил этиладиган саёҳатлар болаларда катта таассурот қолдириши турган гап. Бухоро давлат кўғирчоқ театри жамоаси эса кичкинтойларни аллақачон хурсанд қилишга улгуришди. Театр актёрлари томонидан намойиш этилган ўзига хос томошадан ўғил-қизлар алоҳида завқ-шавқ олдилар.

Болаларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсиш-

ри учун оромгоҳда тиббиёт пункти ишлаб турибди. Малакали шифокор Дилдора Қосимова, ҳамшира Малика Мустафоевалар кичкинтойлар соғлиғидан куну тун хабардор. Тиббиёт маскани замонавий асбоб-ускуналар, зарур доридармонлар билан тўлиқ таъминланган. Ёш дам олувчиларнинг сиҳат-саломатлиги тайёрланаётган овқатлар, янги узилган мева-чеваларнинг ҳам старли даражада бўлишига боғлиқлигини яхши тушунган оромгоҳ бош ошпази Раҳматилло Пўлатов ҳамда унинг ёрдамчилари ўз ишларига сидқидилдан ёндашиб, катта-ю кичкиннинг хурматиға сазовор бўлишяпти.

Бу йилги соғломлаштириш мавсумида оромгоҳда жами 360 нафардан ортиқ боланинг дам олиши кўзда тутилган.

Ёз фасли охиригача ушбу масканда болажонларнинг шўх қийқириқлари, шодон қулулари, кўшиқ ва рақслари давом этаверади.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг Бухоро
вилоятидеги мухбири

TATU HAYOTIDAN

Ҳамкорлик

Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Физика” кафедрасида И-09-25 инновацион лойиҳа бўйича куёш энергияси ёрдамида ҳар хил чуқурликлардан сув тортиб олувчи 600 ваттли тизимнинг тажрибавий намунаси профессор Қаҳҳор Абдурахмонов бошчилигида ишлаб чиқилди.

20 метргача бўлган чуқурликлардан сув олувчи тизим бир соатда 3 м³, ёз кунларида эса 24-30 м³ ҳажмда сув тортиш қувватига эгадир. Ушбу тизимнинг тажрибавий намунасини Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманидаги “Қишкине кум” фермер хўжалигига татбиқ этиш учун ТАТУ билан фермер хўжалиги ўртасида шартнома тузилди.

Ушбу тажриба намунасини яратишда 1-босқич магистранти Саъдулла Жўраев ҳам қатнашди.

Ойбек АЛИБОВ,
ТАТУ 2-босқич талабаси

ТАЙИНЛАШ

“Ўзбектелеком” АК Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ компаниянинг бош директори лавозимига шу кунга қалар “UNICON.UZ” давлат унитар корхонаси — Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори лавозимига ишлаб келган Махсум Мубаширович Маҳмудов тайинланди.

Матбуот дўконларида интернет карталари

Республикамизда барча соҳаларда аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, вақтдан унумли фойдаланишлари учун шароит яратиш, тезкор ва сифатли хизмат турларини кўпайтириш мақсадида бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда.

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясида ҳам матбуот тарқатиш соҳасини такомиллаштириш билан бир қаторда, аҳоли учун янги хизмат турларини кенгайтириш, кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш борасида бир қатор ишлар қилинди.

Ҳозирги кунда компанияга қарашли матбуот дўконларида бир қатор интер-



нет карталар: “TPS”, “Platinum”, “Интернет”, “Глобалнет”, “Интернетка”, “Lit-tel”, “Fli-Net” ва “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалининг “Универсал” карточкалари (IP-телефония+интернет)нинг сотилиши йўлга қўйилди.

Ўз мухбиримиз

Nokia хақида 7 факт

1. “Nokia” сўзи дарё номидан олинган, дарёнинг номи Nokianvirta бўлиб, эски фин тилида мўйнали жонивор — “қарағай сувсари” деган маънони аңглатади.
2. Компаниянинг Осиё учун чиқарилаётган телефон русумлари номида 4 рақамини асло учратмайсиз — чунки бу рақамни аксарият осиеликлар бахтсиз рақам ҳисоблашади.
3. Nokianing “хусусий” шрифти — AgfaMonotype Nokia Sans Эрик Спикерман томонидан ишлаб чиқилган. Бунгача Agfa Rotis шрифти қўлланган.
4. Nokia телефонлари SMS келганда чиқарадиган оригинал гудок товуши Морзе коди бўлиб, “SMS” деган маънони беради.
6. Биринчи тижорат GSM-қўнғироқ 1991 йили Финляндия бош вазири Гарри Холкер томонидан Nokia телефони орқали ва шу компания иштирокида яратилган тармоқда амалга оширилган.
7. “Nokia tune” рингтони 19-асрда испан созандаси Франциско Таррера томонидан гитара учун ёзилган «Gran Vals» асарига асосланган.

Ўзбекистонда суғурта муносабатлари тараккий этиб бормоқда. Ҳозирги кунда жамғарилиб бориладиган пенсия суғуртаси ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келди.

Пенсия суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг пенсия ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳолисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулини (суғурта пулини) бир йўла ёки вақт-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини суғурта компанияси олади. Шунингдек, пенсия суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу суғурта турларидан фойдаланувчилар сонини ошириш учун, авваллампор, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш зарур. Чунки даромадлар миқдори ошгандагина фуқароларда келажакни мустақамловчи воситалардан фойдаланишга имконият туғилади.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда 2009 йилда қўрилган амалий чоралар натижасида 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилган.

Жамғариб бориладиган пенсия суғуртаси. У нима?

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги курилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари қўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

Шу билан бирга, фуқароларнинг мустақил тарзда даромадлар орттиришига замин яратилмоқда. Иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг сезиларли даражада ўсиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суъратларда ривожланиши билан бир қаторда, ташқи савдо ва экспорт соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигига ҳам боғлиқ. Аҳолининг даромадлари 2009 йил давомида 26,5 фоизга ошгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўртача ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг исботидир.

Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олиннадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал

даромадлари сезиларли равишда ошди. Жумладан, 2009 йилда 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

2010 йилда ҳам иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда. Аҳолининг узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган саноат товарларини харид қилиш бўйича харажатлари сезиларли даражада ўсди.

Бундай шароитда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Мазкур масалани ҳал этишда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш, деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолиятларида янада самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Аҳоли турмуш даражасига унинг пул сарф-харажатлари ва жамғарма-

лари таркиби ҳамда улар ўртасидаги нисбат ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Умумий ҳолда аҳоли пул сарф-харажатлари ва жамғармалари таркиби товар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар, мажбурий тўлов ва бадаллар, омонатлар, қимматли қоғозлар, қатъий валюта харид қилиш ва бошқа сарф-харажатлардан иборат бўлади.

Бутунги кунда ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашда ва аҳолини кўнглисиз ҳолисалардан ҳимоя қилишда суғуртанинг ўзига хос ўрни бор. Суғурта ишлаб чиқаришнинг зарур унсурларидан бири сифатида бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим иқтисодий дастакларидан бири ҳисобланади. Суғурта бозори мулкчиликнинг деярли барча шакллари табиий офатлардан сақлашга, турли кўнглисизликлар натижасида одамларга етказиладиган зарарларни қоплашда моддий жиҳатдан ёрдам беради.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатлари, хусусан, Япония, Германия, Буюк Британия, АҚШ ва бошқа давлатларда жамғарилиб бориладиган пенсия суғуртаси кенг оммалашган. Суғуртанинг бу тури, ҳозирги кун талабларидан келиб чиқадиган бўлса, катта самара бериши мумкин.

Алимardon ҚЎЗИЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

FIKR

Қулайлиги яхши, аммо...

Ҳар жиҳатдан қулай бўлган пластик карточкалардан фойдаланишнинг афзалликларини ундан фойдаланган миқдорида аниқ ҳис этади.

Биз 2009-2010 ўқув йилидан бошлаб стипендиямизнинг маълум қисмини пластик карточкалар орқали олиш учун ҳужжатларни расмийлаштирдик.

Овқатланиш учун институт ошхонасида ёки бирор маҳсулот ҳамда ўқув курагини ҳам пластик карточка тўловларидан фойдаланиб, амалга оширишимиз. Бунинг учун пул олиб юриш, уни санаб вақт кетказишдан қутулдик. Осонгина тўлов бажарилади, энг асосийси — қулай.

Лекин, бир тўловни 2та бир хил фамилияли, опакунинг карточкасидадан фойдаланилганда миқдор ва банк ходими ўртасидаги баҳсни эшитиб, ҳайрон бўлдим. Ҳар иккисининг фамилияси, отасининг исми бир хил, бири қиз бола-опа, бири ўғил бола-ука. Шахсини тасдиқловчи паспорт, талабалик гувоҳномаси бўлса-ю, контракт учун ҳар иккиси бир тўловни амалга ошира олмайми?

Яна бир мушоҳадали савол: нега касса аппаратлари фақат рус тилидаги чекни чиқаради? Бу дастурни ўзбекчалаштириш вақти келмадими?!

Ҳисоб-китобдан қолган маблағ ҳажми ҳам чек-дастурда кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биз — бўлажак ҳуқуқшунослар шу масалаларга эътибор қаратилишини истар эдик.

Нодира ЙҮЛДОШЕВА,
Тошкент давлат юридик институти талабаси

MUTAXASSIS MINBARI

Xalqaro haqot



ЕВРОНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

Люксембургда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар молия вазирлари учрашиб, еврони барқарорлаштириш жамғармасини ташкил этиш бўйича дастлабки келишувга эришдилар. Бунга сабаб ЕИнинг ягона валютаси бўлган евронинг қадри тушиб бораётганлигидир. Сўнгги савдоларда бир евро бир долларга 19 центга баҳоланган. Бу охириги тўрт йилдаги энг паст кўрсаткичдир.

АҲР агентлигининг хабар беришича, қарийб 600 миллиард евро миқдорда маблағ йўналтирилиши режалаштирилган мазкур жамғарма Евроҳудуддаги мамлакатларга моливий ёрдам беради. Ҳозирча Греция, Португалия, Ирландия ҳамда Испания каби иқтисодий қийинчиликка дуч келган давлатларга дастлабки сармоялар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

"Yutaka Giken" ХОДИМЛАРИ НОРОЗИ

Хитойда Япониянинг "Honda Motor" компаниясига қарашли "Yutaka Giken" корхонаси ходимлари иш ташлаш эълон қилди. Улар иш ҳақи оширилишини талаб қилишган.



Yutaka Giken Co., Ltd.

Бу Хитойдаги "Honda Motor" компаниясига қарашли корхоналарда ташкил этилган биринчи норозилик эмас. Олдинроқ компаниянинг Фошандаги бўлимида ҳам норозилик ҳаракати бўлиб ўтган эди. Ушунда "Honda Motor" компанияси мазкур мамлакатда автомобиллар йиғишни вақтинча тўхтатиб қўйган.

ПИВО ХАМ АЛКОГОЛ...МИ?

Россия парламентининг юқори палатаси ҳукуматга пиво ва кам алкоғолли ичимликларни ҳам алкоғол ичимликлар қаторига киритиш таклифи билан чиқди.

Федерация кенгашининг ижтимоий сиёсат бўйича кўмити бошлиғи Валентин Петренконинг таъкидлашича, сўнгги йилларда мамлакатда пиво ва кам алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқариш тез суръатларда кўпаймоқда. Бундан ташқари, уларнинг рекламаси кенг йўлга қўйилгани натижасида пиво ичувчилар сони ортиб бораётти. Бу ҳолат ёшлар орасида авж олаётгани ташвишланарлидир.

Агар пиво ҳам алкоғол ичимликлар қаторига киритилса, уни ишлаб чиқариш биров чекланиб, рекламаси ҳам камайди. Сенаторнинг айтишича, бу каби янги қонунларсиз соғлом авлодни тарбиялаш мушкул.

МЕКСИКА КЎРҒАЗИДАН ФЛОРИДАГАЧА

Мексика кўрғазидан содир бўлган экологик ҳалокатнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар дастлабки натижасини бера бошлади.



Сўнгги маълумотларга қараганда, British Petroleum компанияси кўп уринишлардан сўнг кунига сувга чиқиб кетаётган 11 минг баррел нефтни ушлаб қолишга муваффақ бўляпти. Яқин кунларда бу кўрсаткич 20 минг баррелга чиқади. Аммо нефтининг денгизга қуйилишини бутунлай тўхтатишга кузга борибгина эришилади.

Хабарларда айтилишича, нефть кўрғазининг каттагина қисмини эгаллаб бўлди. Табиатга, ҳайвонот оламига тиклаб бўлмас даражада зарар етказилди. "Қора олтин" бир неча юз километр узоқликда бўлган АҚШнинг Луизиана, Алабама, Миссисипи штатлари қирғоқларига етиб келди. Мутахассислар Флорида қирғоқларида ҳам нефть қолдиқларини кўришган.

Ўрганиш ва тушунтириш

конун бузилишлари ва камчиликларнинг олдини олишда муҳим омил

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти устидан давлат назорати бўйича Давлат алоқа инспекцияси тўғрисида"ги Низомга асосан Давлат алоқа инспекциясига Республика ҳудудида почта ва телекоммуникациялар тармоқларида фаолият кўрсатиб келаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия шартномасининг талаб ва шартлари бажарилиши, алоқа хизматлари параметрлари ва сифат кўрсаткичларининг амалдаги нормаларга мувофиқлиги бўйича қонун ва норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ҳамда радиоэлектрон воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет элдан келтириш, лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва ундан фойдаланиш тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифалари юклатилган.

Алоқа соҳаси хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назоратини таъминлаш мақсадида Давлат алоқа инспекцияси томонидан жорий йилнинг тўрт ойи давомида телерадиодастурларни тарқатиш фаолияти билан шуғулланаётган "NODAVLAT TELEKOMPANIYALAR TELETRAMOG'И", "O'ZBEKISTON KABEL TELEVIDENIYASI" ҳамда маҳаллий телекоммуникация тармоқларида фаолият юритаётган "SYNTECH TECHNOLOGIES", "ALINKOM TECHNOLOGIES" МЧЖларда режали текширишлар ўтказилди.

Текшириш жараёнида жамиятлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ва меъёрий ҳужжатлари, давлат ва тармоқ стандартлари ҳамда лицензия шартномалари талаблари бажарилиши, алоқа объектларини лойиҳалаш, қуриш бўйича амалга оширилган ишлар, жамиятларнинг қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлик даражаси, радиоэлектрон воситаларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш учун бериладиган тегишли рухсатномалар мавжудлиги, жамиятлардаги техник воситаларнинг ҳолати ва уларга мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги, метрологик таъминотнинг йўлга қўйилганлиги ҳамда Давлат алоқа инспекцияси ваколати доирасидаги бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Режали текширишлар натижалари юзасидан далолатнома расмийлаштирилди ва

аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Давлат алоқа инспекцияси томонидан жамиятларга тегишли кўрсатмалар берилиб, бажарилиши назоратга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ўртасида тасдиқланган 2010 йил чора-тадбир режасига мувофиқ Давлат алоқа инспекцияси ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорликда 2010 йил 1-чорак давомида республика ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар томонидан радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларнинг ноқонуний ишлатилиши олдини олиш мақсадида 103та тадбирда иштирок этди. Натижада 260та радиоэлектрон восита ноқонуний ишлатганлиги аниқланди ҳамда қонунбузилишларга йўл қўйган 28 ҳуқуқбузарга нисбатан ДАИ томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўз ваколати доирасида тегишли маъмурий жазо чоралари қўрилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган субъектлар ўртасида профилактика ишларини ташкил этиш, улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган камчиликларнинг олдини олиш ҳамда текширишлар ошқоралигини ошириш масалалари бўйича 2010 йилда бажариладиган чора-тадбирлар режасига асосан алоқа соҳасидаги субъектлар раҳбар ходимлари иштирокида қонун ва қонуности ҳужжатлар талабларига риоя этилиши, уларнинг ҳуқуқий билими ва савиясини ошириш ҳамда фаолиятини тартибга солиш мақсадида Давлат алоқа инспекцияси 2010 йил 1-чорак давомида вевосита жойларга чиқиб 95та субъект билан тушунтириш-профилактика ишлари олиб борди, 50тага яқин семинарлар ташкил этилди. Шу билан бир қаторда, инспекция ҳуқуқ ва ваколатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида 156 маротаба маълумот ва эълонлар берилди.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши, амалдаги ҳуқуқий нормаларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилиши юзорида қайд этилган қонунбузарлик ҳамда камчиликларнинг олдини олишда, улар сонини камайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳикмат ФАЙЗУЛЛАЕВ,
ДАИ телекоммуникациялар ва радиоалоқа бўлими 2-тоифали мухарриси

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ



Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан:

"ORIAT" телерадиокомпанияси масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент вилояти) радиодастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2006 йил 31 июлда берилган АА серияли 0001637 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг 2010 йил 12 майдаги хатига мувофиқ;

"PRIME MEDIA" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) радиодастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2006 йил 16 августда берилган АА серияли 0001634 рақамли лицензиянинг амал қилиши унинг 2010 йил 14 майдаги хатига мувофиқ 2010 йил 3 июндан тугатилди.

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Public Relations тарихи

Жамоатчилик билан алоқалар кўринишлари узоқ тарихга бориб тақалади, ammo у XX аср бошларига келибгина мустақил илм сифатида ўрганила бошланган.

1900 йилда АҚШнинг Гарвард университетида Public Relations бюроси ташкил этилди. Биринчи йирик PR бюроси 1912 йили Америка телефон-телеграф уюшмасида тузилди. Жамоатчилик билан алоқалар бўлиmlари ва шу йўналишда хизмат кўрсатадиган махсус фирмалар 1920 йилларга келиб ташкил этила бошланди. Уларнинг илк ташкилотчилари журналист Айви Ли ва Жон Рокфеллерлар саналишади.

АҚШда 1945-1965 йиллар Public Relations соҳасида кескин ривожланиш юз берди. Университетлар PR йўналишида бакалаврларни тайёрлай бошладди.

Бугунги кунга келиб, АҚШда 2000дан ортиқ компания, 20000дан ортиқ мутахассис Public Relations соҳасида фаолият олиб боради. АҚШда давлат маркетинги ва пиар учун ҳар йили бюджетдан 2 млрд. доллар маблағ ажратилади.

PR ёки ахборот хизматлари

Корхона фаолияти, кўрсатадиган хизматлари ённки ишлаб чиқарадиган махсулотлари ҳақида кенг жамоатчиликнинг хабардор қилиш PR бўлимининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Айни пайтда мамлакатимиздаги кўплаб компания ва ташкилотларда бундай бўлиmlар иш олиб борапти. Айниқса, қўшма корхоналар мазкур йўналишга алоҳида эътибор билан қарашади.

Маҳаллий компанияларда бу вазифани асосан матбуот (ахборот) хизматлари амалга оширади. Матбуот хизмати PRнинг таркибий қисми. Жамоатчиликни ахборот билан таъминлаш, корхона имижини шакллантиришда айнан ахборот хизматларининг роли катта. Жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш асосан оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Корхоналарда хизмат қилаётган матбуот хизмати ходимлари қанчалик тажрибали ва ўз касбининг устаси бўлса, шунчалик ОАВ билан илиқ муносабатлар ўрната олади. Бу муносабатлар орқали корхона ёки ташкилот тўғрисидаги, унинг хизматлари, товарлари ҳақидаги янгиликлар мунтазам ёритиб борилади. Натижада мижозлар эътибори шунчалик кўпроқ қозонилади. Ўз-ўзидан хулоса келиб чиқадики, корхона муваффақиятини таъминлашда матбуот хизматларига эътиборни кучайтириш долзарб аҳамиятга эга.

Ҳукумат қарори

Мамлакатимизда ахборот хизматларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги “Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ўз аксини топган. Қарорда эътироф этилишича, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолини Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ис-

АХБОРОТ ДУНЁНИ БОШҚАРАДИ



«Билайн» ва унинг PRи

лоҳотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиш мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг, ошқор фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолияти, мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиш самардорлигини ошириш мақсадида вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимиятлари, ҳўжалик бошқаруви органлари таркибида ходимларнинг умумий сони доирасида ахборот хизматлари ташкил этиш ва қўидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланган:

- *идора раҳбарияти томонидан белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиши;*

- *идора фаолияти соҳасидаги норматив-ҳўқуқий ҳўжатларнинг миллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини таъминлаши;*

- *миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида идора фаолиятининг долзарб жиҳатларини, тегишли соҳадаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини ёритиши;*

- *интернет тармоғида идора веб-ресурсларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаши;*

- *идора фаолиятига нисбатан ижтимоий фикрнинг аҳолини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини таҳлил қилиш ва улар тўғрисида идора раҳбариятини хабардор қилиш.*

Ўтган вақт мобайнида вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликларда ахборот хизматларининг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилди ва бугунги кунда улар ишини ижобий баҳолашга асослар етарли. Ammo вазирлик ва агентликлар таркибидаги корхона ва ташкилотларда матбуот хизматлари фаолиятига юқори баҳо бериб бўлмайди.

Бунга қўидагича жавоб бор: “Компания ўзи ҳақида мақтовлар гапириши бу – реклама, бошқаларнинг у ҳақида илиқ фикрлар билдириши эса – PRдир”. Саводли PR компанияга ишонч уйғотади, ammo фаолият ҳам шу ишончга монанд бўлиши керак. Ахир матбуот вакиллари, жамоатчиликни йўқ нарсага ишонтириб бўлмайди. Компаниямиз PR-хизматининг яна бир муҳим тарафи маркетинг бўлимидан мустақил, алоҳида тармоқ сифатида фаолият олиб боради.

Хулоса

Корхоналардан ахборот олишда матбуот хизмати йўқлиги сабаб қатор тўсиқларга дуч келамиз. Маълумот қилириб бевосита корхона раҳбарлари вақтини олишга тўғри келади. Номига ташкил этилган матбуот хизматлари эса керакли ахборотни тезкизиб бериш вазифасини бажара олмайди. Бундан ким ютқазади? Албатта, биринчи навбатда, ўша корхонанинги ўзи. Маълумотларга кўра, хорижда компаниялар бюджетининг унлаб фоизи PRга қаратилди. IT ва телекоммуникация соҳасида бу йўналишга янаям кўпроқ маблағ ажратилади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бугунги кунда хизматлар кўрсатиш соҳасида жамоатчилик билан алоқаларни ўрнатиш масаласи жуда долзарб аҳамиятга эга. Кўрсатилаётган хизматлар ҳақида мижозларни, жамоатчиликни тўлақонли маълумот билан таъминламай туриб ҳам иқтисодий, ҳам имиж жиҳатдан ютуққа эришиб бўлмайди!

Жамоатчилик билан алоқаларда кадрлар тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бизда PR-ходимларни тайёрловчи олий ўқув юртлири мавжуд эмас, ammo бу йўналишда оммавий ахборот воситаларида тажриба тўплаган мутахассислардан фойдаланиш имкони бор. Ахборот тўллаш, тарқатиш, ОАВ билан алоқаларни ўрнатишда ўша тажрибанинги аҳамияти катта. Шунчалик маркетинг бўлимидаги бирор ходимга “матбуот котиби” дикни бирктиб қўйиш билан натижа чиқмайди. PR-хизмат алоҳида илм, мустақил бир бўлим, десак адашмаймиз. Ахир бежиз хорижда PR-хизматлар учун бу даражада йирик сармоялар ажратилмайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида соҳа корхона ва ташкилотларининг веб-сайтларини ривожлантиришга оид зарур чора-тадбирлар кўп бора кун мавзусига қўйилмоқда. Ушбу муаммонинг ечимини ҳам кўп жиҳатдан матбуот хизматларининг йўлга қўйилишига боғлиқ. Агар матбуот хизмати тўлақонли ишласа, маълумотлар, янгиликлар тайёрласа, ўша ташкилот веб-сайтлари ҳам шу даражада ахборотга бой бўлади. Айни пайтда соҳа корхоналари веб-сайтларини кузатиб ҳам матбуот хизматлари фаолиятига бемалол баҳо бериш мумкин. Ойлаб янгилик киритилмаган сайтлар юқоридаги камчиликлар мавжудлигига далил эмасми?!

Лутфилло ТУРСУНОВ

Международный союз электросвязи проведет семинар в Узбекистане

С 21 по 25 июня в Ташкенте пройдет семинар «Управление использованием радиочастотного спектра и спутниковых орбит на международном уровне»

Семинар проводят Бюро радиосвязи и Бюро развития электросвязи МСЭ при содействии Исполкома Регионального сотрудничества в области связи (РСС) и Узбекского агентства связи и информатизации, сообщается на сайте МСЭ.

К участию в семинаре приглашены специалисты администраций связи, регуляторных органов и органов управления использованием радио-

частотного ресурса, научно-исследовательских учреждений, специалисты в области управления радиочастотным спектром, разработчики и производители оборудования, а также представители других заинтересованных организаций, представляющих Государства-члены, членов секторов и ассоциированных членов МСЭ государств СНГ и Балтии.

Программа семинара включает такие актуальные вопросы, как текущая работа МСЭ, роль, структура, задачи Сектора радиосвязи, принципы управления использованием радиочастотного спектра и спутниковых орбит на международном уровне, регламент радиосвязи, основные направления деятельности РСС в области управления исполь-

зованием спектра на региональном уровне и многие другие.

В ходе семинара планируется проведение практических занятий по использованию программного обеспечения Бюро радиосвязи, применяемому для заявления, проверки и экзаменации частотных присвоений, направляемых в БР администрациями связи, а также средств доступа к базам данных БР.

МСЭ является ведущим учреждением Организации Объединенных Наций в области информационно-коммуникационных технологий. Штаб-квартира МСЭ расположена в Женеве, Швейцария, и его членами являются 191 государство. МСЭ имеет более 700 членов секторов и ассоциированных членов.

Cib.uz

Со времени перехода капиталистической экономики к машинной индустрии экономические кризисы стали периодически потрясать жизнь капиталистического хозяйства. С каждым разом эти кризисы становились глубже и приобретать глобальный характер.

Недавно, в Нью-Йоркском государственном университете состоялся международный научно-практический форум по теме «Глобализация экономи-

ческая сила Транснациональных корпораций (ТНК) двигает новейшие технологии в другие страны и тем самым к началу глобализации в место предпринимателя — производителя — производителя товаров постиндустриальное общество выдвинуло предпринимателя — Торговца «благодаря этим предпринимателям глобализация привела к невиданному отрыву денег от движения товарной массы».

Уже к началу 2009 года го-

ются в прислугу для экономики и бизнеса. И всё же есть ещё шанс избежать непоправимого развития события. Для этого надо понять, что главной причиной происходящего кризиса является несогласованность между спросом и предложением, между рынком и финансовым правом.

Меры предотвращения сферы влияния мирового финансового кризиса заключается в следующем:

Глобальное управление экономикой — возможно ли?

ки и глобализация экономического мышления». На этом форуме было отмечено «Что сейчас идёт мировой экономической кризис, однако средств по его управлению и четких рекомендаций нет».

По этой же причине 20 экономически развитых стран стали периодически встречаться на саммите и обсуждать вопросы управления экономикой в будущем.

Известные лауреаты Нобелевской премии Джозеф Стиглиц и Жак Аттали, сознавая слабость экономических расчетов, признают, что «Несмотря на тот факт, что наше понимание экономических процессов увеличилось в огромное число раз, однако за последние 50 лет кризисы по всему миру участились и стали глубже. По некоторым подсчетам за это время почти 100 стран столкнулись с кризисом лицом к лицу».

Известно и то, что глобализация получает мощный толчок от международных корпораций, которые двигают через границу не только капитал и товары, но также и технологию.

На заре глобализации на одной из элитных встреч был задан вопрос: «Есть ли у этого процесса свои заинтересованные генерирующие силы активные проводники глобализации или речь идёт о спонтанно глобализирующемся мире? Большинство думают что речь идёт о спонтанном глобализирующемся мире.

Однако как показали последние события они были не во всем правы, ибо прорыв-

довая норма денег, необходимая для обращения, в валюте составляла более 400 трлн. долл. и это количество денег в 80 раз превышало мировую торговлю товарами.

Деньги позволяют всем товарам менять своих производителей и затем они попадают в руки способных ловкачей, прошедших рыночный конкурс, называемый обменом.

Раньше рынок товаров рассматривался как рыночный отбор для открытия наиболее эффективных производителей. Теперь же, когда речь идёт о рынке ценных бумаг и манипуляции с краткосрочным капиталом, рынок превратился из сферы обращения товаров в куплю — продажу ценных бумаг по недвижимости. Происходит как бы отчуждение богатства от их стоимости, зафиксированных в денежных знаках, в результате которого стоимость их без следа исчезает в процессе глобальных финансовых операций.

Таким образом законы рынка, где все ценности измеряются в денежном эквиваленте из чисто рыночного понятия переросли в законодательный принцип общества, стали новой социокультурной реальностью.

Постиндустриальное общество, которое строит новый предприниматель, имеет своим центром не университеты (и др. институты духовного производства), а банковскую сферу. Именно в эту эпоху трудно представить как сочетать мораль и экономику, ибо большинство образовательных учреждений как бы превраща-

ются в прислугу для экономики и бизнеса. И всё же есть ещё шанс избежать непоправимого развития события. Для этого надо понять, что главной причиной происходящего кризиса является несогласованность между спросом и предложением, между рынком и финансовым правом. Меры предотвращения сферы влияния мирового финансового кризиса заключается в следующем:

- 1) Общедоступность экономической информации,
- 2) Создание международных финансовых рынков, которые подчиняются международному праву,
- 3) Конец финансовым играм,
- 4) Контроль за меквидностью,
- 5) Ревизия системы премирования,
- 6) Разделение между рыночной и банковской деятельностью.

Однако нет уверенности в том, что все эти предложенные меры можно реализовать. Ибо очевидно, что без централизации власти над миром можно воплотить предложенные меры по оздоровлению экономики. Потому «На смену глобальному управлению должно придти глобальное правительство, которое было бы ответственно перед народами любой страны».

Однако в этом проявляется некий утопизм, который видит грядущее мировое правительство в разовом свете. Ведь все вышеизложенное говорит о невозможности решить без экономоцентрической модели вопросы мировой морали и экономики. Только «впавшие в парадигму менталитета народов мира и учитывая интересы действий своих оппонентов» мировое правительство сможет стать собранием мудрецов мира.

Таким образом можно сделать вывод, что постиндустриальное общество в свете денежного измерения, по мнению некоторых экономистов, в конечном счёте фантомно и по своей сути обречено.

Шер МУСЛИМОВ,
доцент ТУИТ

«Только цифры» май 2010

Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM (www.uzinfo.com.uz) предлагает ознакомиться с ежемесячной статистикой за май 2010 года.

№	Показатель	Значение	Прирост за месяц	Прирост с начала года
1.	Активных доменов UZ	10 459	+1.0%	+9.5%
2.	Активных доменов UZ с хостингом	7 479	+3.1%	+12.5%
3.	Активных доменов UZ второго уровня с хостингом в Узбекистане	3 018	+1.3%	+3.1%
4.	Официальных сайтов госорганов онлайн	107	+0.0%	+0.0%
2010 йил 24 май куни Тошкент ахборот технологиялари университети Жанубий Кореянинг Инха университети президенти жаноб Бон Су Ли бошчилигидаги тўрт кишидан иборат делегация ташриф буюрди. Ташриф доирасида ТАТУ ва Инха университетлари ўртасида талабалар алмашинуви бўйича шартнома имзоланди. Ушбу шартномага асосан ҳар иккала университет талабаларидан уч нафари бир семестр ёки бир йил давомида хамкор университетга ўқишини давом эттиришга юборилади.

Ҳозирги кунда Жанубий Кореянинг Сеул, Ёнгнам, Конкук, Кукмин, Кюнг Хи, Ханнам ахборотлаштириш ва коммуникация университетида ТАТУ талабаларидан 9 нафари докторантурада, 10 нафари магистратурада таълим олмақда.

Албатта, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

С.ЮСУПОВ,
ТАТУ халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

IELTS дастури нима?

2010 йил — Баркамол авлод йили деб эълон қилинганлиги ёшларнинг камил инсон бўлиб етишиши учун кенг йўл очмоқда.

Шу жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан етук мутахассис кадрлар тайёрлашда уларнинг дунёвий билимларга эга бўлишлари учун ўқув грантлари ажратилган. Улар Япония, Ҳиндистон, Буюк Британия, Нидерландия ва Кореядаги бир қанча техника олий ўқув юрталари юқори босқич бакалавр, магистр ва аспирантлик бўйича йиллик ўқув режалари асосида тузилган грантлардан иборат.

Албатта, бу ўқув грантини қўлга киритиш учун мутахассисликдан ташқари халқаро тил — инглиз тилидан сертификатга эга бўлиш лозим. IELTS (International English Language Testing System) ёки TOEFL дастури инглиз тилини қай даражада билиш тўғрисидаги ҳужжатдир. IELTS дастурига тўхталадиган бўлсак, илк бор 1980 йилда ЕРТВ (English Proficiency Test Battery) номи билан British Council (Британия элчихонаси) томонидан фақатгина Бирлашган Қиролликдаги университет ва коллежлар учун тузилган. Ушбу дастур тил ўрганиш ва ўқитиш методикасининг ривожланишига жуда қисқа вақт ичида самарали таъсир кўрсатди. ЕРТВни ўрганивчилар кўрсаткичи 1980 йилдан бошлаб 4000 минг бўлса, 1985 йилга келиб, 10000 мингга ташкил этди. 1990 йиллар бошида British Council Австралия университети коллежларининг Халқаро Ривожла-

ниш дастури (IDP) билан хамкорликда ЕРТВ дастурига ўзгаришлар киритган ҳолда, халқаро талабаларга жавоб берадиган тармоқ қўринишида IELTS номини беришди. Ўрганувчиларга янада қулайроқ тарзда фойдаланишлари мақсадида 2005 йил июл ойида IELTS дастурининг электрон шакли тақдим этилди.

IELTS дастури илмий, ижтимоий, техника, тиббий, умумий ва дунёвий билимлар соҳасини ўз ичига олади. Ушбу дастур Academic (хорижда ўқув юрталарида ўқиш учун) ёки General Training modules (хорижда саёҳат қилиш ёки ишлаш мақсадида) имтиҳон топширишга мўлжалланган бўлиб, Listening, Reading, Writing ва Speaking тест бўлиmlаридан иборат. Ушбу бўлиmlар эса, ўз навбатида, ҳар бир бўлим вазифасига қўра қисмларга бўлинган ҳолда ўрганилади. IELTS дастурининг натижаси 1-9 баллик тизим асосида баҳоланади. Яъни, имтиҳон топширган талабанинг қандай балл олиши унинг қай даражада инглиз тилини ўзлаштириганида намойиш бўлади. Масалан, талаба имтиҳондан 6.0 балл олса, у ўзи ис-таган хориж ўқув юртида ёки ўқув гранти асосида чет элда таълим олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса нафақат ҳозирги, балки келажак ҳаёти учун халқаро билим ва кўникмаларни шакллантириб, ўз соҳасида малакали мутахассис даражасига кўтарилишига, тажрибаларига таянган ҳолда жамият ривожига ҳисса қўшишига кенг йўл очиб беради.

Шаҳло ОТАХОНОВА,
ТАТУ ахборот технологиялари факултети талабаси

YOSHLAR SOG'LOM
TURMUSH TARZINI
TANLAMOQDA

МОБИЛ АЛОҚАНИНГ БОЛАЛАР СОҒЛИҒИГА ТАЪСИРИ

Бугунги кунда мобил алоқадан аксарият болалар ва ўсмирлар фойдаланишмоқда ва бу ҳол ҳеч қимми хайрон қолдирмайди. Бир томондан, албатта, бундай тараққиётдан хурсанд бўлишимиз керак, лекин мобил алоқадан тарқалган тўққинлар ривожланиб улгурмаган бола психофизиологиясига қанчалик таъсир этишини ўйласак, хавотирланишимизга қатта ўрин бор.

Охириги 10 йил ичида жаҳон ОАВда "Мобил алоқанинг бола ривожланишига зарарли таъсири" руқнида кўпгина мақолалар чиқмоқда, бу борада турли мамлакатларда тадқиқотлар ўтказилмоқда. Хўш, бола организмга мобил телефони қандай таъсир ўтказар экан? Энг аввало шунга айтишимиз керакки, мобил алоқадан фойдаланувчи болаларда электромагнит нурланиш катталарга нисбатан бир неча баробар юқори бўлади, тўла шаклланмаган бола организмга ниҳоятда катта зарар etkazadi. Бу нурланиш антеннадан чиқади, кўп телефонларда антенна корпус ичида жойлашади. Телефон нурларидан келадиган зарар бола она қорнидалигидаёқ бошланади. Олимларнинг таъкидлашича, ҳомилдорлик пайтида мобил алоқасидан фойдаланадиган оналарнинг фарзандлари 54 фоиз ҳолларда ҳулқида турли муаммолар билан туғилдилар. Генетик олимлар эса ҳомилдорликнинг биринчи ойларига мобил телефонлардан тез-тез фойдаланиш хромосомалар тизимининг бузилишига олиб келишини ва бу, ўз навбатида, ҳомиланинг тўғри ривожланишига халақит бериши ҳақида айтидилар. Яна шунга айтишимиз керакки, катта ёшдагиларга нисбатан болаларга мобил алоқадан etkaziladigan зарар бир неча баробар кўпдир, бунга сабаб ўсиб келаётган организмнинг электромагнит тўққинларига сезгилиги катталариникига нисбатан юқорилигидир.

Вояга етмаган болаларда (18 ёшгача) мобил телефондан фойдаланиш куйидаги ўзгаришларни юзага келтиради: хотиранинг сустайиши, эътиборсизлик, уйқусизлик, бош ogриши, эшитиш қобилиятининг пасайиши ва ҳ.к. Булар барчаси бола асаб тизимининг бузилиши туфайли юзага келади. Айрим ҳолларда ҳаттоки эпилепсия касаллигини келтириб чиқариши ва онкологик касалликларга мойилликни кучайтириши кузатишган. Мактабгача бўлган болаларда инжиклик, агрессивлик ва кайфиятининг тез ўзгаришчан бўлиб қолишига олиб келади. Кейинги ўзгариш руҳий ҳолатига тегишли бўлиб, телефонда ўз тенгдошлари билан тез-тез гаплашиб турган ўсмир болалар телефонсиз суҳбатда ўзларини йўқотиб қўйиб, нима дейишни билмай қолар эканлар.

Буларни билган ҳар бир ота-она боланинг соғлиғи қанчалик муҳим эканлигини ҳис қилиши керак. Балки болангиз қўлидан телефонни тортиб олиш керак эмасдир, лекин телефон ўйинчоқ ёки тенгдошлар орасида мақтаниш воситаси эмаслигини ҳамда энг асосийси фойдаланиш вақтини чеклаш кераклигини уларга тушунтириш фойдадан холи бўлмайди.

Гулиана ХУДОЁРОВА,
ТАТУ Қарши филиалининг
маънавият ва маърифат
маркази раҳбари

Рохат илдиши

Аҳмаджон Усмонов 1971 йили меҳнат фаолиятини Водил алока тармоғида электромонтерликдан бошлади. Алока техникаси уни шундай қизиқтириб қўйган эдики, ишдан-иғнасиғача билиб олгиси келарди. Тезда бу касбни Володя амаки Анненков каби устозларидан ўрганиб олди. Мижозларга хушмуомаласи, ғайрат-шижоати билан алока тармоғи ва туман раҳбарияти эътиборига тушди. “Баракалла, Усмонов, сенинг иқболинг баланд, барака топасан, — дейишарди вилоят алока ишлаб чиқариш бошқармасида ҳам, — сен албатта соҳамиз бўйича олий маълумот олишинг керак”.

Ўзига ҳам шундай истак тинчлик бермасди. 1974-1979 йилларда Тошкент электротехника алока институтида ишдан ажралмаган ҳолда таҳсил олди. Ана шу йиллар чиндан ҳам унинг келажига тамал тошини қўйди. Ёш алоқачига танлаган соҳасининг истиқболи нақадар порлоқ эканлиги аёнлашиб борарди. “Иши ҳам, гапи ҳам бутун, билими теран. Ҳар ишда фаол. Туман тармоғи раҳбари ўринбосарлигига қўйилик”. Вилоят алока бошқармасидан билдирилган бу таклиф туман раҳбариятига ҳам маъқул тушди. Шунини айтиш керакки, у ўринбосар бўлиб иш бошлаган дастлабки кунларданоқ вазифасининг залворини ҳис этди. Раҳбар қандай бўлиши зарур?! У вазифаси нимадан иборатлигини яхши билишдан ташқари, ишчи-ходимларини ҳам яхши билиши, билим-тажрибасини аямай ишга солишлари учун уларга ғамхўр бўлиши керак. Иш шароитлари қулай ва бошлиқлар уни қадрлашини сезиб турсин — шунда ишда файз-барака бўлади.

Устозлари А.Жўрабоев, Н.Каримов, В.Рижков, В.Николаевларнинг фаолияти, ўзига ва ўзгаларга бўлган юксак эҳтироми, муносабатларини кузатиб, шундай хулоса ясар ва улар-

га муносиб шогирд бўлишга интиларди. Ва шундай бўлди ҳам. Ходимлардан иш талаб қилиш билан бирга ижтимоий масалаларга эътиборини асло бўшаётганини билди. Шуниси диққатга сазоворки, ёш раҳбар алока тармоғи идораси — бу юксак маънавият ва маърифат ўчоғидир, деган тушунчани жамоа онгига сингирди олди. Бу унинг энг кўзга ташланган ютуқларидан бири эди.

— Юриш-туриши, муомала маданияти, ишни бажаришига қараб ҳавас қилардик, — дейди шогирди, Фарғона туманилик алоқачи Равшанжон Исмоилов. — Шунчаки, номига ишлаганга тоқат қилолмасди. Ишласанг чин дилдан ишла, дерди. Ишинг ҳам, нутқинг ҳам аниқ, раво бўлсин! — Бу талаб эди. Ва бунга қатъий риоя қилдик. Узоқ йиллар туман телекоммуникациялар боғламасини бошқардим. Унинг йўл-йўриқларига амал қилиб кам бўлмадик. Кўп йил биргаликда меҳнат қилган монтерлар ҳам шундай илиқ фикрлар билдиришди.

Сўз — гул, иш — мева, деганларидек, ўрнида айtilган сўзи ўз вақтида қилган эзгу амаллари билан барчага ўрнак бўлди. Дарҳақиқат, туман алока тармоғининг янги биноси қурилишида, ўша йилларда

янги станциялар ўрнатиш ишларида ҳам Аҳмаджон Усмоновнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ўзининг алоқачига ва раҳбарга хос фазилатлари билан ҳурмат қозонган мутахассис 1983-1994 йилларда 245 нафардан иборат Водил алока тармоғининг меҳнат жамоасини бошқарди. 1994 йилда вилоят алока бошқармаси бошлиғи ўринбосарлигига қўйилди.

Айни Кореянинг ДЭУ компаниясидан янги АТСлар келтирилган йилларда бу лавозимда ҳам масъулият билан ишлади.

Вилоят алока ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раислигига сайланиши ҳам, кўриб турибсизки, тасодифий эмас эди. Унинг корхонада инсон омилига жиддий қарагани, ишчи-мутахассисларнинг оилавий аҳволини кўтаришга, саломатлигини тиклашга интилиб келгани натижаси эди бу.

Аҳмаджон ака ўтган 14 йиллик фаолиятида алока корхоналарида меҳнат шароитларини давр талаблари даражасида ташкил этишга, маданий-маънавий ҳамда спорт тадбирларини мунтазам ўтказишга ҳаракат қилиб келди. Шу тўғрисида барча корхоналар спорт анжомлари, турли тренажерлар билан таъминланган.


Маънавият хоналари иши ҳам йўлга қўйилиб, доимий янгиланиб турилибди. Энг муҳими, шу йиллар мобайнида бошланғич касаба уюшмалари фаолияти жонланди. Қанчадан-қанча меҳнат низоларини адолатли ҳал этиб берди. Вилоятда Аҳмаджон ака Усмоновнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлган алоқачилар, фахрийлар жуда кўп.

Аҳмаджон ака меҳнатлари тақдирланиб келинаётганидан мамнун. У “Ўз касбининг устаси” кўкрак нишонига, 1997 йилда алоқачи учун энг катта мукофот — “Моҳир алоқачи” унвонига сазовор бўлган.

Аҳмаджон ака ғамхўр ва меҳрибон ота сифатида ҳам обрў қозонган. Усмоновлар Водилда энг намунали оилалардан саналади. Ҳалимаҳон ая узоқ йиллар шифохонада ҳамшира бўлиб ишлаб, ҳозирда нафақада. Бахтиёржон ҳарбий алоқачи, Баҳодиржон “Фарғона Телеком” филиалида етакчи мутахассис, Хайруллажон ишчи, Салоқатхон мактабда мусиқада дарс беради. Фарзандлар ҳаммаси ота-оналаридек маънавияти юксак инсонлар. Улар Усмоновлар шаънини ўз меҳнатлари билан шарафлаб келмоқдалар.

Аҳмаджон акани ҳеч ким 60 баҳорни қарши олган демайди. Кўркли, салобатли. Энди иш бошлаган дамларидаги навқиронлик, шижоат ўрнида вазминлик, аллақандай ўзигагина ярашиқли сокинлик, тўғривоқ донишмандлик бор. Бу гангли ёшингиз Сизга муборак, дейди шогирдлари.

С. ҲАФИЗОВА,
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири



Бахт

Хабарчи Баҳриддин Қурбонов Бешариқ шаҳрининг Х.Олимов кўчасида яшовчи Нишонбой ота Қодиров ҳовлисига кираиб борди. Отахон неваралари билан сўрида гурунқ қилиб ўтирган экан. Унга сурати чиққан “Фарғона ҳақиқати” газетасини кўрсатиб, ота ҳақида ёзилган мақолани ўқиб берди. Нафақа пулини ҳам топширди. Отахон хурсанд бўлиб, ҳар доим хушхабар билан келасан, пулимизни келтирасан, умрингдан барака топ, болам, деб дуо қилди.

Кайфияти кўтарилган Баҳриддин ишхонасига қайтиб, янги келган газета-журналларнинг ўзига тегишли бўлган қисмини ажрата бошлади. Бирдан хона жамоа аъзоларига тўлиб кетди. Ҳамма уни тугилган кун билан табриклиай кетишди. Баҳриддин хурсанд бўлиб, шу ерда ишлаётганлиги, аҳил, оқибатли жамоадорлари борлигидан қалби миннатдорлик туйғусини туйди.

Баҳриддин Қурбонов 22 йилдан буён хабарчи вазифасида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Ҳозирда у ўзига бириктирилган худудлардаги 500 нафар нафақачига хизмат кўрсатади, хондонларга даврий нашрларни вақтида элтиб беради. Уни танимаган, ҳурмат қилмаган одам йўқ. Катта-кичик хушхабарчи деб эъозлаши унинг учун чинакам бахтдир.

Турғубек МАҲКАМЗОДА

Нурли йўл

Биз фан ва техника, технология, айниқса, электротехника, коммуникация тараккиёти жадаллик билан ривожланаётган, янгидан-янги ихтиролар қилинаётган бир даврда яшаймиз.

Ана шу янги техника ва ихтироларни инсон манфаатлари ва эҳтиёжлари учун ҳаётга тинимсиз татиқ қилиб, ота касбини ардоқлаб кам бўлмаётган инсонлардан бири Беруний туман телекоммуникациялар тармоғи ЛАЦ бўлими навбатчи катта электромеханиги Нурлибек Жабборбергеновдир. Нурлибек меҳнатсевар инсонлар оиласида вояга етди. Унинг отаси Сотим Жабборбергенов 1946-1967 йилларда Бийбазар овули Найман қишлоғи, Шоббоз тумани, Мангит шаҳри, Беруний туман алока бўлимларини бошқарган. Ҳозирги кунда нафақада бўлган онаси Назира ая ҳам алока бўлимида кўп йиллар оператор бўлиб ишлаган.

Нурлибек 1970 йил Беруний шаҳридаги Навоий номидаги мактабни яхши баҳоларга битказиб, Беруний тумани алока бўлимида монтер бўлиб ишлади. Ҳарбий хизматдан сўнг 1975-1978 йилларда Нукус алока политехникумида ўқиди. Сўнг туман алока бўлимида севган ишини давом эттирди. Билим ва тажрибаларини тинмай орттириб, топширилган ишни аъло бажариб жамоада эътибор қозонди. Биз билан суҳбатда у ҳақда Беруний

туман телекоммуникациялар тармоғи бошлиғи Эгамберди Абдуллаев шундай деди:

“Нурлибек ўзининг кўп йиллик иш фаолияти давомида ишбилармонлиги, бошлаган ишини охирига етказгунча тиниб-тинчимаслиги билан жамоа орасида тез танилди. У 1992 йилдан бошлаб Беруний электр алока корхонаси ЛАЦ бўлимида катта механик бўлиб ишлаб келмоқда. Корхонамиз шаҳарлараро ҳамда қишлоқ жойлари билан автоматик телефон уламиниши унинг хизматлари жуда катта бўлди”.

“От изини той босар” деганларидек, Нурлибекнинг фарзандлари Мансурбек ва Расулбеклар ҳам ота касбини танлашган. Улар замонавий устакхона ташкил қилиб, мижозларнинг радио, телевизор ва мобил телефонлари ҳамда телекоммуникация ва компютер техникаларини сифатли таъмирлаб, халқ ҳурматиға сазовор бўлиб келмоқдалар.

Саъдулла ОЛЛАМОВ,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси,
меҳнат фахрийси

Корхона, ташкилот ёки муассасаларда ишловчи ходимлар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ва пировардида меҳнат унумдорлигининг ортишига эришишда касаба уюшма ва маъмурият ҳамкорлигининг ўрни бекиёс. Буни соҳа алоқа корхоналаридан бири — Электромагнит мослашув марказида олиб борилаётган ишлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Инсон омилига эътибор

Аввало шуни айтиш керакки, ходимларни етарлича ижтимоий муҳофаза қилиш ва шу йўл билан улар иш самарадорлигини оширишга эришиш ҳар икки томоннинг асосий мақсадидир. Шунинг учун ҳам касаба уюшмаси кўмитаси томонидан киритилган бирорта таклиф безътибор қолдирилмайди.

“Бугунги кунда кўмитамизнинг 259 нафар аъзоси бор, — дейди ЭМММ касаба уюшмаси кўмитаси раиси Виктория Малеваная. — Мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоғида 5 нафар касаба кўмитаси аъзосининг фикрлари эътиборга олинади. Марказимиз бошлиқ ўринбосари Насиба Исмоилова, ходимлардан Раъно Якубова, Ҳожиакбар Турсунов, Мазлума Обидхўжаева ва мен кўмитамиз номига ёзилган аризаларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, бу борада маъмурият вакили сифатида Насиба опа Исмоилова алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда”.

Корхона маъмуриятининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида ўтган йили ЭМММ ҳамда унинг вилоятлардаги хизматлари ходимлари билан қўшиб ҳисоблаганда 230 нафар ишчи-хизматчининг меҳнат таътилига бир ойлик миқдориди, янги никоҳдан ўтишлари муносабати билан икки кишига, узоқ касаллик туфайли бир кишига (1 миллион 200 минг сўм), қишқи сабзавот гамлаш учун 254 кишига моддий ёрдам берилди. Шунингдек, фарзанди мактабга қатнайдиган 92 нафар ходимга ўқув қуроллари сотиб олишлари учун 4 миллион 200 минг сўм, ходимларнинг 150 нафар фарзандига янги йил совғаси учун 4 миллион 707 минг сўм маблағ сарфланди.

Корхонамизда ўн ва ундан кўп йил ишлаган ходимларнинг хонадон

Кўлни кўлга бериб

Виктория Валентиновна биз билан суҳбат давомида касаба уюшмаси кўмитасининг таклифига биноан ишчи-хизматчилар Янги йил, Наврўз, Мустақиллик ва Ҳайит байрамларида ҳамда Конституция куни муносабати билан мукофотланаётганлари, 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунини нафақат ишлаётган аёллар, балки бола тарбияси билан банд аёллар ҳам қимматбахо совғага эга бўлишлари ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Жамоа шартномасига асосан 50, 55, 60 ёшга тўлган ҳамда корхонада узлуксиз 20, 25, 30 йил ишлаган ходимлар ҳам бир ойлик маош миқдориди рағбатлантирилмоқда.

Саломатлик — туман бойлик

Дарҳақиқат, ходим соғ бўлсагина ишида унум, самара бўлади. Улар соғлигини муҳофазалаш масаласи шунинг учун ҳам корхона маъмурияти эътиборида.

Корхона ишчи-хизматчиларининг сеvimли маскани ҳисобланмиш “Оқтош” дам олиш зонаси замон талабларига мос қилиб таъмирланди.

минланган.

Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган соғломлаштириш дастурига мувофиқ 486000 сўмлик спорт анжомлари ва теннис столи сотиб олинди. Соғломлаштириш мажмуаларига қатнаш учун Термиз шаҳрига 150000 сўм, Навоий шаҳрига эса 200000 сўм маблағ ажратилди. Шахмат, шашка, стол тенниси, бадминтон, мини-футбол бўйича мусобақалар мунтазам равишда ўтказилиб турилди. Ўтган йили ЭМММ Сурхондарё вилоятидаги хизмати ходимлари соҳа корхона ва ташкилотлари ўртасида мини-футбол бўйича ўтказилган мусобақада фахрли иккинчи ўринни эгаллашгани учун жамоанинг ҳар бир аъзосига алоҳида мукофот берилди.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, ходимлар ва уларнинг фарзандлари саломатлиги учун қайғуриш касаба уюшмаси кўмитасининг муҳим йўналишларидан биридир. Ҳар йилгидек бу йил ҳам ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини ёзги дам олдириш учун “Нилуфар” ва “Алоқачи”, шунингдек, “Ўзи-Жиззах”, “Ўзи-Қарши”, “Ўзи-Термиз” тасарруфидаги соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар берилди.

Ёшлар келажагимиз

Корхонада ёш мутахассислар кўпчилигини ташкил этишади. ТАТУ ҳамда ЭМММ ўртасида тузилган шартномага асосан талабалар ўз амалиётларини корхонада ўташади. Ҳар жиҳатдан талабга мос битирувчилар шу ерга ишга қабул қилинадилар.

“Ёшларимиз — эртанги кунимиз эгалари, — дейди Виктория Вален-



ЭМММ ходимлари Хоразмда.

тиновна. — Шу сабаб уларга катта эътибор қаратамиз. Баркамол авлод йили муносабати билан 17 нафар ёш мутахассисимиз қадимий Хива шаҳрининг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиб келишди. Шунингдек, “Саховат спорт-сервис” соғломлаштириш мажмуасига корхона ҳисобидан пул ўтказилган ва ёшларимиз у ерга бориб, бемалол спорт билан шуғулланишади. Бу каби ишлар Бухоро ҳамда Хоразм вилоятларида ҳам ташкил этилган. Янги оила курган ёшлар ҳам эътиборимиздан четда эмас”.

Кексаларга хурмат

Қардаки кексаларга иззат-икром кўрсатилса, ўша ерда ишлар ривожланаверади. Зеро, фахрийлар ўз вақтида бутун кучини, меҳрини бериб ишлаб, ўша корхонанинг равнақига ўз ҳиссаларини қўшган инсонлардир. ЭМММда ҳам ўз фахрийларига эътибор юқори.

Корхонада ишлаб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган 21 нафар пенсионернинг байрамларда дастурхонга таклиф этилиши, улар озиқ-овқат маҳсулотлари, аризаларига биноан дори-дармон билан таъминланиши, биргина ўтган йилнинг ўзида Мустақиллик куни, алоқа ходимларининг касб байрами, Курбон ҳайити муносабати билан нуруний отахону онахонларни рағбатлантириш учун 4719670 сўм маблағ сарфланганлиги фикримизнинг далилидир.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
“Xabar” мухбири



ЭМММ касаба уюшмаси фаоллари.

телефонлари абонент тўлови тўлиқ, 5 йилдан ўн йилгача ишлаганларнинг телефони 50 фоиз абонент тўлови корхона ҳисобидан тўлангани ҳам корхонамизда инсон омилига алоҳида эътибор берилаётгани туфайлидир.

У ерда кўнглили дам олиш учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Корхонага тегишли барча бўлинма ва вилоятлардаги хизматлар биринчи ёрдам кўрсатиш учун керакли дори-дармонлар билан тўлиқ таъ-

Ҳа, маъмурият ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлиги ЭМММда ана шундай қувончли натижаларга олиб келмоқда. Энг муҳими, бу ерда ишлаётганлар ҳам, ишлаб кетганлар ҳамда жажжи болажонлар ҳам ғамхўрлик ришталари билан ўраб олинган.

Футбол байрами бошланди!

Бугундан бошлаб бир ой давомда миллиардлаб нигоҳлар Жанубий Африка Республикасига қаратилади. Футбол бўйича 2010 йилги Жаҳон чемпионати старт олади бу кеча.

Дунёнинг энг кучли 32 жамоаси бош соврин учун кураш олиб борадиган мазкур мусобақада бир-бирдан қизиқ баҳслар бизни кутиб тургани шубҳасиздир.

Бугунги куннинг энг маҳоратли юлдузи – Месси ва ўтган аср афсонаси – Марадона биргаликда шохсупага кўтирила олишадими? Ёки охириги Европа чемпионлари – Испания бу мусобақада ҳам тенгсиз бўладими? Доимий даъвогарлар – Бразилия, Германия, Италия балки яна ўз кучларини кўрсатишар?! Бу саволларга роппа-роса бир ойдан кейин жавоб оламиз.

Айтганча, ҳамюртимиз Равшан Эрматов бугун ЖЧ-2010нинг очилиш учрашувини бошқариб беради.



ЖЧ-2010 иштирокчилари ўрин олган гуруҳлар ҳамда биринчи тур жуфтликлари

<p>“А” гуруҳи</p> <p>ЖАР Мексика Уругвай Франция</p> <p>1-тур 11/06 19:00. ЖАР – Мексика 11/06 23:30. Уругвай – Франция</p>	<p>“В” гуруҳи</p> <p>Аргентина Греция Жанубий Корея Нигерия</p> <p>1-тур 12/06 16:30. Аргентина – Нигерия 12/06 19:00. Жанубий Корея – Греция</p>
<p>“С” гуруҳи</p> <p>АҚШ Англия Жазоир Словения</p> <p>1-тур 12/06 23:30. Англия – АҚШ 13/06 16:30. Жазоир – Словения</p>	<p>“D” гуруҳи</p> <p>Австралия Гана Германия Сербия</p> <p>1-тур 13/06 19:00. Сербия – Гана 13/06 23:30. Германия – Австралия</p>
<p>“Е” гуруҳи</p> <p>Голландия Дания Камерун Япония</p> <p>1-тур 14/06 16:30. Голландия – Дания 14/06 19:00. Япония – Камерун</p>	<p>“F” гуруҳи</p> <p>Италия Парагвай Словакия Янги Зеландия</p> <p>1-тур 14/06 23:30. Италия – Парагвай 15/06 16:30. Ян. Зеландия – Словакия</p>
<p>“G” гуруҳи</p> <p>Бразилия Кот-д’Ивуар КХДР Португалия</p> <p>1-тур 15/06 19:00. Кот-д’Ивуар – Португалия 15/06 23:30. Бразилия – КХДР</p>	<p>“H” гуруҳи</p> <p>Гондурас Испания Чили Швейцария</p> <p>1-тур 16/06 16:30. Гондурас – Чили 16/06 19:00. Испания – Швейцария</p>

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

2010-2011 ўқув йили учун қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул қилади.



БАКАЛАВРИЯТ

1. Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари);
2. Ахборотлаштириш ва кутубхоначилик;
3. Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича);
4. Менежмент (соҳалар бўйича);
5. Информатика ва ахборот технологиялари;
6. Радиотехника;
7. Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш;
8. Телекоммуникация;
9. Ахборот хавфсизлиги;
10. Электрон тижорат;
11. Мобил алоқа тизимлари;
12. Корхона сервис (электрон ва компютер техникаси);
13. Почта хизмати;
14. Кино телеоператорлик;
15. Махсус ёритиш технологиялари;
16. Аудио-видеотехнологиялари;
17. Компютер графикаси ва дизайн;
18. Овоз ёзиш технологиялари.

БАКАЛАВРИЯТ МАХСУС СИРТКИ

1. Кино телеоператорлик;
2. Махсус ёритиш технологиялари;
3. Аудио-видеотехнологиялари;
4. Компютер графикаси ва дизайн;
5. Овоз ёзиш технологиялари.

МАГИСТРАТУРА

1. Тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар бўйича);
2. Менежмент (тармоқлар бўйича);
3. Компютер тизимлари ва тармоқлари;
4. Ахборотни бошқариш ва ишлов бериш;
5. Компютер тизимлари ва тармоқларининг дастурий таъминоти;
6. Амалий информатика;
7. Биотехника тизимларининг техник ва дастурий таъминоти;
8. Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари);
9. Радиотехника курилмалари ва алоқа воситалари;
10. Рақамли телевидение ва радиоэшиттириш;
11. Алоқа тармоқлари, узеллари ва ахборот тақсимоти;
12. Алоқа ва ахборотда ишлов беришнинг оптик тизимлари;
13. Алоқа тармоқлари ва бошқарув тизимлари;
14. Криптография ва криптоанализ;
15. Ахборот хавфсизлиги, электрон тижорат;
16. Электрон тижорат;
17. Мобил алоқа тизимлари.

Бакалаврият таълим йўналишларига ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан 20 июлигача қабул қилинади, тест синовлари 1 август кунини ўтказилади.

Магистратура мутахассисликларига ҳужжатлар жорий йилнинг 1 июлидан 30 июлигача қабул қилинади, кириш синовлари 3-10 август кунлари ўтказилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

БАКАЛАВРИЯТ

- Таълим йўналиши кўрсатилган ҳолда, ректор номига ариза;
- Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ва унинг иловаси;
- 86-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3,5x4,5 ҳажмидаги бта фотосурат;
- Меҳнат дафтрасидан кўчирма (махсус сиртқи бўлимга кирувчилар учун);
- Паспорт ва ҳарбий гувоҳноманинг асл нусхаси шахсан кўрсатилади.

МАГИСТРАТУРА

- Таълим мутахассислиги кўрсатилган ҳолда, ректор номига ариза;
- Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ва унинг иловаси;
- 86-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3,5x4,5 ҳажмидаги бта фотосурат;
- Паспорт ва ҳарбий гувоҳноманинг асл нусхаси шахсан кўрсатилади.

Қабул комиссиясининг иш вақти 8:30 – 17:30.



Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй, тел: 238-64-21.
Интернет манзили: www.tuit.uz
Электрон почта: tuit@tuit.uz

ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН! ЭЪЛОН!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

2010-2011 ўқув йили учун абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини жорий йилнинг 12 ва 19 июн кунлари соат 10⁰⁰да ўтказиладиган “ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”га тақлиф этади.

Манзил: Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй.
Мўлжал: Митрофанов номидаги сув спорти саройи.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлигидан рўйхатдан ўтган “BOQIY BULOQ BIZNES” (СТИР: 301456071) МЧЖ тугатилди. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади: Телефон: 334-66-24.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Бухоро Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Шофиркон туман телекоммуникациялар боғламаси 1-тоифали АТС муҳандиси
Амон НАРЗУЛЛАЕВИНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оида аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ “Тошкент почтамти” филиали жамоаси филиал иқтисод бўлимининг бошлиғи Светлана Нерадовага турмуш ўртоғи
Варган НЕРАДОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BADIA

Ушанда иккинчи синфда ўқирдим чоғи. Мактабдан келаятиб тарнов ёнидан қотиб қолган қушчани топиб олдим. Кафтаримга олиб, иситдим, лекин қимирламеди.

— Ая, қаранг, музлаб қолибди, — дедим уйга югуриб кириб. — Мунаввар опага айтايлик, укол қилсак, яхши бўлиб қолади.

— Болагинам-а, кўрмайсанми, жонвор ўлиб қолибди-ку. Буни энди хув тутзор тагига кўмиб келиш керак.

Кейин дадам иккови-миз тутқатордаги дўлана остидан қорни суриб, музлаган ерни бироз кўчириб, қушчани кўмиб келдик.

— Далажон, агар қушчанинг уйи бўлганида ўлмасди-а?

Музлаб қолмасди, — дедиму хаёлимга келган фикрдан қувониб кетдим. — Уя ясаб анави дарахтга ўрнатиб қўйايлик.

— Оқшом чўкиб қолди. Мол-ҳолга қараш керак. Эртага ясайлик, — дедилар дадам сочларимни тўзитганча юзимдан чўпиллатиб ўпиб. — Хўпми?

— Йўқ, ҳозир, ҳозир, — хархаша қилиб туриб олдим.

— Ясай қолинг, даласи, — деди аяжоним. — Бир сўзли қайсардан қутулмайсиз бўлмасе.

Шундан сўнг дадам “Яхши, фақат оёғим тагида ўрлашиб, менга ҳалақит бермай туринглар”, — дея устахонасидан чой қутининг фанерларини олиб чиқиб, уя ясагга тутинди.

Уйимизда байрам бўлиб кетди ўзим. Укаларим жам бўлиб томошага берилдик. Болга, қиларра каби асбоблар дадамнинг қўлида тез ва энгил айланарди. Биз эса тин олмай кузатардик. Бир соатларга қолмай бежиримгина уяча тайёр бўлди-қолди (ўзлари ҳайдовчи, темир устаси бўлган дадам ёғочларга ҳам жон киритиб юборарди, стол, стул, эшик, хонтахта, шкаф... Хуллас, рўзгор учун нима зарур бўлса, ясайверарди).

Соябонли, юмалоқ «эшик»-ли, қушча кўниб, атрофи жаҳонни кузатадиган нақшли таёқча...

— Вой, қандай чиройли! — ҳаяжонимни ичимга сиздира олмайман. — Кўпгина ясагангизчи, дада, ҳамма дарахтларга қоқиб қўярди!

— Бунинг асти иложи йўқ. Фанерни қардан оламыз, —

дейди дадам ишида давом этиб.

— Магазинда кўп-ку! — деймиз укаларим билан бараварига. — Сотиб олайлик.

— Қардаги гапларни гапиришади-я, пул заводимиз борми — койинади аяжоним.

— Мана, буюртмангиз тахта, Афи-фа қизим,

Ҳаёт кўрмиши

— дадам уяни менга тутқаздилар. Саҳар тургин теракка қоқиб қўямиз.

Уяни қилиқлардан тозалаб бағримга босдим. Қувончим бир олам, худди ўзим ясагандек. Ахир, энди қушчаларнинг уйи бор — совқотиб, ўлиб қолишмайди.

— Бас, энди, ухла, — дегунларича уяни кўлимдан қўймадим.

Аяжоним бир четга олиб қўймоқчи эди, бермадим. — Мен уни томоша қилиб ётаман, — дедимда ёстигимнинг ёнгинасига қўйдим. Ҳар замонда қараб-қараб қўяман. Ичида пологонлар чий-чийлашаётгандек туюлади.

Эрталаб уйғонсам уя йўқ.

— Аяжон, уяча қани? — сўрайман катта тоғорада хамир қораётган онамдан.

— Ташқарига чиқ. Кўрасан. — Нега мени уйғотмадингиз? Мен уяни дадам қандай қоқаятганини кўришим керак эди, — дея ташқарига отилдим.

Чорбоққа чиқсам ўнг томонидаги ягона теракка ўрнатилган уя марғур турарди. Бирам бежирим! Дунёдаги энг чиройли уя!

Оқшом. Яна уяга махлиё боққанча турарканман, кўз илгар-илғамас қор ёғаётганини сезмай ҳам қолибман. Тандир тепасига қўйилган шиферга музсимон, қиррали қорчалар бир маромда урилади — бу шитирлаш мусиқаси қўлогимга хуш ёқади-ей. Сўнг яна хаёлимни қор ўғирлайди: қорларим, қор парчаларим лайлак қорга айландинг... яна такрор “қорларим игна қорларим, паға-паға ёға қолинг...” Шу пайт ҳайратимни ошириб-тошириб қор қалинлашгандан қалинлашади. Қор олиб келган саҳий булут,

сени бир кўрай, савқи табиий равишда кўлларимни икки ён ёзиб самоларга термуламан. Пешайвондаги ёритгич ёнғач, қор яна тезлашгандек бўлди. Оёқларим ердан узилиб учиб борардим гўё.

— Мен учиб кетяпман! — қичқираман овозимни баралла қўйиб. Укаларим ҳам менга тақдидан кўлларини қанот қилиб ёзишадию оппоқ

бўлиб қолган экин майдонига югурти-лашади. Мен эса жимгина олисларга “парвоз” қиламан — борлиқ оламга кулоқ тутаман. Ҳали жуда олис-олисларга “учар”

эдиму кимдир қақирди. Ноилож тушдим. Далажоним усти очик сўрининг қорини қуради.

— Бор, қизим, уйдан нон олиб чиқиб, мана бу ерга уватиб қўй, — дея сўрининг бир чеккасини кўрсатди.

— Нимага? — ҳайрон бўламан.

— Қушларга-да, болам, қор ёққанда уларнинг емиши қор остида қолади.

Уйдан синдирилган нонларни олиб чиқдим-да, дадам кўрсатган жойга уватиб, кута бошладим, қани қушлар келармикан. Олдинига беш-олтита қуш ер бўйлаб у ён, бу ён учдилар-да, сўнг кўниб увоқларни талашиб-тортишиб чўқилашга тушишди. Ора-сира чуғур-чуғур қилишади. Менинг бола қалбим севингчдан ёрилай-ёрилай дейди.

— Дала, қаранг, улар бизга раҳмат айтишяпти, — дейман молхонадан увутгани сомон олиб чиқаётган дадамга.

— Ҳа, қушлар сенга раҳмат, барака топ, дейшяпти, — дадажонимнинг овози доимо жарангдор, қувноқ эди. — Улар сано айтишяпти...

Мана, орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин далажоним ясагандек чиройли уячани қайтиб ҳеч қаерда кўрмадим. Қушларга меҳрим ҳамон ўша-ўша. Дераза тоқчасига нон увоқларини қўяётганимда раҳматли далажонимнинг чарақлаган сиймоси, дунёдаги энг чиройли уяча кўз олдимдан бир-бир ўтади. Сўнгра вужудимга роҳат-фароғат бахш этувчи қушлар тонгти қўшиғи бошланади.

Ҳафиза САЛЯҲОВА, журналист

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Биринчи ёзув ручкаси қачон, ким томонидан патентланган?



Газетамизнинг 28 май 22 (923)-сонида эълон қилинган “Осмонда камалакнинг пайдо бўлиши табиат ҳодисаларидан бири. Топинг-чи, нима учун камалак яримта?” саволига жавоб:

— Аввало осмонда камалакнинг қандай пайдо бўлиши ҳақида тўхталмоқчиман. Камалак ёмғир ёғаётган пайтда қуёш кўриниши оқибатида пайдо бўлади. Яъни, қуёш нурларининг ёмғир заррачаларида синиши оқибатида ёруғлик дисперсияси рўй беради ва келаятган нур ўз частотаси бўйича етти хил рангга ажралади.

Бу ҳодисани биринчи бўлиб Исаак Нютон асослаб берган.

Камалакнинг яримта эканлигига келсак, бу бизнинг кўриш имкониятимизга боғлиқ. Яъни, ер шарни думалоқ шаклида бўлгани учун биз камалакнинг ярмини кўра оламыз, холос.

Асмажон ШУКУРОВ, Қарши аэропорти муҳандиси



HIKMATLAR SANDIG'I

СУЛТОНЛАР БАҲСИ

Салжуқ султонларидан бири мавлоно Жалолиддин Румийнинг зиёрат қилгани келибди ва анча суҳбатлашиб ўтирибди. Гап орасида мавлонодан салтанатлари орасидаги фарқ нимада эканлигини сўрабди.

— Сенинг салтанатинг то кўзинг очик турган муддатга қадар давом этади. Менинг салтанатим эса кўзим юмилганидан кейин бошланади, — дебди Жалолиддин Румий.

Табриклаймиз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиали Тилоқ почта алоқаси тармоғи жамоаси Сафозон алоқа бўлими бошлиғи Сафарбой ҲАСАНОВни қутлуғ 60 ёши билан муборакбод этади. Унга сўхат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҶЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХҶЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Содиқжон ҚОСИМОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — 0</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҶРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.</p>					
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p>		<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.</p>		<p>G-502 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адали: 17018 нусха.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>	
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навоийда 225-91-10</p> <p>Наманганда 226-61-85</p> <p>Нукусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчда 226-37-16</p> <p>Фарғонада 226-87-71</p> <p>Қаршида 314-08-99</p>									